

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА УЙҒУН ЖАРАЁНДИР

Мухтор Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
“Келажак Лидердари” махсус ўқув дастури  
ТИНГЛОВЧИСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7435581>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 13<sup>th</sup> December 2022

Online: 14<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

### ABSTRACT

*Жаҳонда давлатларнинг муносиб ўринга эга бўлиши ва ўз халқига муносиб турмуш даражасини таъминлаши учун энг аввало демократик бошқарув тизими, иқтисодий барқарорлик, мамлакатда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, фуқаролик жамияти институтларининг ривожини, аҳолининг ижтимоий-сиёсий маданияти, фуқаролик позициясининг юқорилиги каби кўплаб омиллар асос бўлиб хизмат қилади.*

Жаҳонда давлатларнинг муносиб ўринга эга бўлиши ва ўз халқига муносиб турмуш даражасини таъминлаши учун энг аввало демократик бошқарув тизими, иқтисодий барқарорлик, мамлакатда қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, фуқаролик жамияти институтларининг ривожини, аҳолининг ижтимоий-сиёсий маданияти, фуқаролик позициясининг юқорилиги каби кўплаб омиллар асос бўлиб хизмат қилади.

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш ҳар бир мамлакат учун устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Фуқаролик жамияти энг аввало ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз аксини топиб, мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга ва унинг доимо тараққий этиб

боришига жуда катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини, барча ҳаётий орзу-мақсадлари шу жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гуруҳ, оила ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашдир. Бу сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва гуруҳлар ҳар бир инсонга ўзи яшаётган жамиятда ҳокимиятнинг манбаи эканлигини, ҳуқуқ ва эркинликлари, қобилияти ва ҳаракати, обрўси юксак қадрият эканлигини тушунтиришга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ва бошқа мақсадларини амалга оширадилар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожининг баъзи мезонлари  
<https://uzanalytics.com/jamiyat/2946/> (16.09.2018)



Фуқаролик жамияти бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитидагина давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар, уюшмалар, эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро плюрализмига асосланган муносабатлар уйғунлигидан ташкил топади<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев иқтидорга келганидан сўнг янги тараққиёт босқичи даврида кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қарата бошлади. Мамлакатда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди.

Давлат раҳбари томонидан мамлакатни ўрта истиқболда тараққий эттиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича бош дастури – Ҳаракатлар стратегияси<sup>3</sup> тақдим этилар экан, бу ҳужжатда ҳам жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, оммавий ахборот воситаларини ролини ошириш, нодавлат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, барча соҳаларда жамоатчилик назорати тизимини амалга оширишнинг

таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш масалалари асосий вазифа сифатида қайд этилганини кўриш мумкин. Бу борада, энг аввало, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ташаббускорлигини рағбатлантиришга қаратилган зарур институционал базани мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилди.<sup>4</sup>

Бугунги кунда эркин ва ривожланган фуқаролик жамияти, “билимлар жамияти”, демократик ва барқарор ривожланиш тамойилларининг ҳаётга кенг татбиқ этилиши, инсон капитали тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бирига айланиши, эркин бозор муносабатларининг қарор топиши, ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларига жадал кириб келиши каби глобал хусусиятлар устувор аҳамият касб этмоқда. 2000 йилдаги БМТнинг Мингйиллик декларацияси, Фуқаролик жамияти институтларининг мингйиллик Форуми декларацияси ва Ҳаракатлар дастури, Окинава глобал ахборот жамияти хартияси, 2015 йилда БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларининг қабул

<sup>2</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Т., Ўзбекистон, 2010. Б.247.

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/mobileact/3107036>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., -№6. <sup>2</sup> Туляков Э. Давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳотлар учинчи ренессанс сари дадил қадам. <https://strategy.uz/index.php?news=1070>

<sup>4</sup> РОЛЬ ПРЕЗИДЕНТА УЗБЕКИСТАНА ШАВКАТА МИРЗИЁЕВА В ФОРМИРОВАНИИ СИЛЬНОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА <http://infozakon.kz/life/17814-rol-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirzieeva-v-formirovanii-silnogo-grazhdanskogo-obschestva.html> ( 26.03.2021)



қилиниб, ҳаётга татбиқ этилиши ва бошқалар дунёдаги мураккаб ва ўзаро боғлиқ жараёнларни сифат жиҳатдан тамоман янги босқичга олиб чиқди.<sup>5</sup>

Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бораётган Ўзбекистонда ҳам фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг концептуал асослари, стратегияси ҳамда ўзига хос механизмлари яратилмоқда. Маълумки, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг институционал асосини ташкил этади. Сўнгги йилларда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича сезиларли чоратадбирлар кўрилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди. Шу билан бирга ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини боширишда, уларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига кўмаклашиш учун янгича

тамойиллар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.<sup>7</sup>

Шунингдек, янги босқичдаги ислохотлар жараёнида давлат органлари томонидан халқ билан мулоқот ўрнатиб, муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларда қарорлар қабул қилишда аввало аҳолининг фикрини инобатга олиш тизими шакллантирилди. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиғини мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш, ёш авлодни баркамол вояга етказиш ҳамда фуқароларнинг тиббий, ҳуқуқий билимларини ошириш ва бошқа қатор ислохотларда фаол иштирок этишига кенг йўл берилди.

Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди.

<sup>5</sup> Фуқаролик жамиятини ривожлантириш


стратегиясини ишлаб чиқишдаги устуворликлар  
<https://uzlidep.uz/news-of-party/6764> ( 30.06.2020)

6

<sup>7</sup> Фуқаролик жамиятини ривожлантириш  
стратегиясини ишлаб чиқишдаги устуворликлар  
<https://uzlidep.uz/news-of-party/6764> ( 30.06.2020)



## ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎСИШ ДИНАМИКАСИ



Хусусан, охириги тўрт йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг **1 270 дан** ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан **117 миллиард** сўм миқдордаги маблағлар ажратилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлайдиган, замонавий демократик талабларга ва халқаро стандартларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилди. Бунинг

натижасида **20** га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг қарорлари қабул қилинди. Шу билан бирга, ННТларнинг шаффофлиги ташкилотнинг куч-қувватини намойиш қилади, ўзларининг муаммоларини ҳал қилишда кўмак беради, фуқаролар ва донорлар томонидан ННТларга бўлган ишончнинг ортишига ёрдам беради. Ўз навбатида давлат органлари ҳам ўз фаолиятларида шу каби очиқлик тамойилидан фойдаланишлари керак.